2016 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (13.087)

Баҳоси эркин нархда

БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Германия пойтахтида бўлиб ўтган "Яшил ҳафта — 2016" озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги халқаро кўргазмасида ўзининг агросаноат салоҳиятини муносиб равишда намойиш этди.

Республикамизга ажратилган 180 квадрат метрлик бўлмада сархил мева-сабзавотлар, зираворлар, полиз, ёғ-мой, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва бошқа турли ноз-неъматлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

"Яшил ҳафта — 2016" кўргазмаси кунлари Ўзбекистон бўлмасига минглаб меҳмонлар — бизнес вакиллари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари ташриф буюрди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз делегациясининг мазкур кўргазмадаги иштироки самарали бўлди. Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти бўйича қиймати 91,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шартномаларнинг имзоланганги буни тасдиқлайди. Хусусан, ноз-неъматларни Германия, Бельгия, Финляндия, Чехия, Хорватия, Польша, Латвия, Литва каби мамлакатларга етказиб бериш юзасидан келишувларга эришилди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири айрим меҳмонлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг таассуротлари билан қизиқди.

Баварияли тадбиркор Матиас Клейнгенц Ўзбекистон, унинг улкан салоҳияти билан яқиндан танишганидан мамнунлигини билдирар экан, юксак дид билан безатилган, республика агросаноат жабҳасидаги имкониятларни ўзида яққол ифода этган мамлакатимиз бўлмаси кўргазма давомида кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилганини айтди.

— Тадбирда мамлакатингизнинг замонавий тараққиёти, унинг эътиборга молик иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти муносиб равишда тақдим этилди, — деди у. — Бўлмага келганлар серқуёш ўзбек заминида етиштирилган ноз-неъматлардан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлиб, уларнинг ажойиб таъми ва сифатига юқори баҳо беришди. Умид қиламанки, ҳадемай Ўзбекистонда етиштирилган ширин-шакар полиз маҳсулотлари ва бошқа мевалар Германия ва албатта, Бавария супермаркетларида ҳам пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг бундай халқаро тадбирларда иштирок этиши республикангиз маҳсулотларини жаҳон бозорига фаол кириб боришига кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда)

Ҳунармандлик

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

СОПОЛГА ЖИЛО БЕРИБ...

Юртимизда жаҳонга машҳур тарихий обидалар кўп. Хорижликлар уларни бир марта кўриш, шу замин ҳавосидан нафас олиш учун келади.

"Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, кулол Алишер Раҳимов асарларида ана шундай тарихий ёдгорликларни акс эттиради. Бу буюмлар орқали сайёҳлар юртимизнинг машҳур обидаларини "ўзи билан олиб кетади", Ўзбекистонга саёҳатини бутун умр эслаб юради.

Мамлакатимизда халқ амалий санъатининг барча йўналишлари қатори кулолчилик ҳам ривожланмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Кулолчиликка меҳр Алишер аканинг қонида бор. Бобоси Муҳиддин Раҳимов бу санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган, "Ўзбекистон анъанавий кулолчилиги", "Ўзбекистон меъморий кулолчилиги" номли илмий асарлар ёзган. У киши шогирдларига нақшинкор суратлар туширилган буюмларни ясаш юксак дид ва чуқур билим, қунт ва сабр-бардош талаб этишини таъкидлаган, неварасини ҳам шундай тарбиялаган.

Алишер Раҳимов Республика рассомлик коллежида таълим олди. Унинг қирқ бешдан ортиқ кулолчилик буюмидан иборат илк шахсий кўргазмаси ҳам айнан шу даргоҳда ўқиб юрган кезлари ташкил этилди. Кейинчалик Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида кулолчиликнинг сирларини янада пухта ўзлаштирди.

(Давоми 2-бетда)

Аъло Абдуллаев олган суратлар

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол денгизи ҳалокатининг оқибатларини енгиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Навоий вилояти Қизилтепа туманида замонавий ташхис маркази иш бошлади. "Ипотека банк"нинг Навоий вилояти филиалидан олинган 410 миллион сўм кредит марказни замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозлашда қўл келди. 10 нафар олий тоифали шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилаётган масканда касалликларни аниқлаш ва ташхис қўйиш учун барча шароит яратилган.

● Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.

● Андижонда "Миллий либослар – аёллар кўрки" деб номланган миллий ва замонавий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Дизайнерлик, чеварлик йўналишида касб ўрганаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, миллий либосларимизга замонавий кўриниш бериш, ёшларда кийиниш маданиятини юксалтириш мақсадида ўтказилган кўргазмада атлас, адрас, беқасам сингари матолардан тикилган миллий либослар хушбичимлиги, ўзига хослиги билан барчада катта таассурот қолдирди.

● Жиззах вилоятининг Зомин тумани Даштобод шаҳрида янги деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. 4,5 гектардан зиёд майдонни эгаллаган савдо мажмуасини барпо этишда 7 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бозорнинг тўртта павильонида гўшт, сут, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хўжалик моллари сотишга мўлжалланган 360 савдо растаси мавжуд.

ЖАҲОНДА

● Буюк британиялик олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кейинги беш йил давомида ер курраснинг ҳарорати доимий равишда ошиб боради.

● Зика безгаги Колумбияда ҳам жуда тез тарқалиб бормоқда. Жумладан, ушбу мамлакатда мазкур оғир хасталикка чалинганлар сони 20 мингтага етди. Улардан 2 мингдан ортиғини ҳомиладор аёллар ташкил этмоқда.

● Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри атрофида истиқомат қилувчи 15 ёшли ўсмир жуда кам учрайдиган оғир хасталикдан азият чекмоқда. Яъни ушбу касаллик натижасида унинг танаси соғлом одамникига нисбатан 8 баробар тез кексаймоқда.

● Нью-Йорк шаҳрида истиқомат қилувчи Патрик Хортон АҚШга хуруж қилган қор бўронидан ҳам ўзига хос тарзда ижобий фойдаланиш йўлини топди. У қор ва муздан уй қурди ва ушбу ғаройиб хонадон ҳақидаги маълумотларни турар жойларни ижарага олиш бўйича оммабоп сайтга жойлаштирди.

САЙЛОВ ТИЗИМИДА САМАРАЛИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизга ташриф буюрган Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Корея Республикаси Миллий сайлов комиссияси бош котиби Ким Ёнг Хи раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йилнинг май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама алоқаларга янги мазмун бағишлаб, фаол ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимизда жамиятни эркинлаштириш, барча соҳаларни изчил демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос миллий сайлов тизими яратилди. Ўзбекистонда сайлов жараёнларини мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига мувофиқ, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлиги тўлиқ таъминланган ҳолда ўтишига катта эътибор қаратилаётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Учрашувда меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолияти, мамлакатимиз сайлов тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида маълумот берилди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамда 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик тамойилларга мос тарзда, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, очиқ ва ошкора руҳда ташкил этилгани алоҳида қайд этилди. Бу жараёнлар мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий, ҳуқуқий билими ва маданияти, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ғоят юқори эканини жаҳон жамоатчилиги олдида яққол намоён этди.

Мамлакатимизда хорижий давлатлар сайлов органлари фаолиятини пухта ўрганиш ва таҳлил этиш, сайлов комиссиялари билан ўзаро ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва соҳада тажриба алмашишга катта аҳамият қаратилади. Бу йўналишда Корея Республикаси билан ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётир.

Мамлакатларимиз ушбу йўналишда 2015 йилда Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси доирасида ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мазкур халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. 102 мамлакат сайлов органларини бирлаштирган ушбу муассасанинг асосий мақсади очиқ, шаффоф сайловлар ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларида ахборот ва тажриба алмашиш бўйича халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, демократик сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мутахассислар касб даражасини ривожлантиришда сайлов органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Музокарада Ўзбекистон ва Корея Республикаси сайлов комиссиялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизнинг Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, соҳада мутахассислар малакасини оширишга оид қатор масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Корея Республикаси Миллий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

– Ўзбекистон сайлов тизимида катта ютуқларни қўлга киритгани таҳсинга сазовор, – деди Ким Ёнг Хи. – Имзоланган ҳужжатлар сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш, сайлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, сайловчилар электрон рўйхатини жорий этишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Пойтахтимизда "Қишлоқ ва туманларда хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги муваффақиятининг гаровидир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди. Сўнгги уч йилда хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда бир кишига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробар ошган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, ўтган йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси ушбу соҳа ривожига янада кенг йўл очишга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш, турли лойиҳа ва танловлар орқали хизмат кўрсатиш субъектларини рағбатлантиришни мақсад қилган.

Партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан хотин-қизларга ўз бизнесини йўлга қўйишга кўмаклашиш, бу соҳадаги билимларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага" лойиҳаси асосида тижорат банклари томонидан ажратилган 6 миллиард сўмга яқин кредит маблағи кўмагида кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, соғломлаштириш муассасалари очилиб, хотин-қизлар учун зарур қулайликлар яратилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда хизмат кўрсатиш соҳасида муваффақиятга эришган ишбилармон аёллар ўз фаолиятлари, тажрибалари ҳақида фикр алмашдилар.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўз навбатида, **германиялик бизнесмен Фолькер Шредер** ҳам мамлакатимизнинг гастрономия нуқтаи назаридан жозибадорлигини эътироф этар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:

— Узумчилик ва шароб ишлаб чиқариш соҳасининг мутахассиси сифатида ҳар йили "Яшил ҳафта" кўргазмаси давомида бошқа мамлакатларнинг тажрибаси ва эришган муваффақиятлари билан қизиқаман. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон шароб ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уларни экспорт қилиш имкониятини кенгайтириш бўйича салмоқли ишларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Тармоқ корхоналарининг Берлиндаги ушбу нуфузли кўргазмада фаол иштирок этаётгани ҳам фикримни тасдиқлайди. Юртингизда ишлаб чиқарилган шаробларнинг намуналаридан татиб кўриб, улар сифати ва таъми жиҳатидан Европа маҳсулотларидан сира қолишмаслигига амин бўлдим.

Эслатиб ўтамиз, ҳар йили Берлинда бўлиб ўтадиган "Яшил ҳафта" Озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги халқаро кўргазмаси жаҳонда ушбу йўналишдаги энг йирик анжуман ҳисобланади. Ташкилотчиларнинг маълумотларида қайд этилишича, жорий йил мазкур кўргазмада дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан 2 мингдан зиёд иштирокчилар ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Тадбир қарийб 5 минг нафар журналист томонидан ёритилди.

"Жаҳон" АА.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИБ...

Айтиш жоизки, кундалик ҳаётимизда шаҳар, шаҳар атрофи ёки вилоятлараро қатновчи транспорт хизматларидан барчамиз фойдаланамиз. Қатнов йўналишлари бўйича бозор муносабатларига ҳамоҳанг соғлом рақобат муҳити шакллантирилган. Мутахассисларнинг қайд этишича, барча турдаги йўловчи ташиш йўналишлари вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар ҳамда агентлик қошидаги идоралараро комиссия томонидан очиқ тендер танловлари орқали белгиланади. Маълумотларга кўра, охирги 15 йил давомида республикамизда фаолият кўрсатаётган йўловчи ташиш йўналишлари сони қарийб 2342 тага ошиб, ҳозирги кунда 4346 тага етди, уларнинг 997 таси шаҳар, 2732 таси шаҳар атрофи ва 617 таси шаҳарлараро йўналишларни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳобовнинг таъкидлашича, ўтган йили 65 та йўловчи ташиш йўналишлари ташкил этилиб, ушбу йўналишларда хизмат кўрсатиш учун жами 524 та, шу жумладан 129 та автобус, 14 та микроавтобус, 381 та "Дамас" русумли автотранспорт воситалари йўналишларга бириктирилди. 2015 йил давомида агентлик ва унинг ҳудудий бўлимларида лицензия беришнинг соддалаштирилган тартиби – "ягона дарча" тамойили асосида жорий этилган. Ўтган йили хўжалик юритувчи субъектларга 2785 та лицензия ва 182 минг донадан зиёд лицензия варақаси берилган.

Ҳукуматлараро битимлар доирасида 24 та хорижий мамлакатнинг транспорт бўйича ваколатли органлари билан халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун 30 минг 520 дона рухсатнома бланкаси тенг ҳуқуқлилик асосида алмаштирилган.

Жорий йилда автотранспорт хизматлари ва сервисни янада ривожлантириш, янги йўналишлар ташкил этиш ҳамда ташувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

З.ШАРИФЖОНОВ

СОПОЛГА ЖИЛО БЕРИБ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

А.Раҳимовнинг "Самарқанднинг мовий сополи", "Ложувард йили", "Авлодлардан авлодларга", "Ўтмиш мероси", "Амалий санъат фестивали", "Шарқ нақш ва безаклари сеҳри", "Муқаддас замин", "Ижодий сулола давомчилари", "Минг бир чироқ", "Тошдаги илк суратлар замонавий кулолчиликда", "Анъана ва замонавийлик: кошинкорлик санъатига янги назар", "Болалар тасаввуридаги сопол ўйинчоқлар" сингари кўргазмалари АҚШ, Германия, Япония, Франция, Жанубий Корея каби ўндан ортиқ мамлакатларда намойиш этилган.

2002 йилда Алишер Раҳимов Президентимиз Фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. 2012 йилда давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига сазовор бўлди.

Ҳунарманднинг хонадонида 200 дан ортиқ миллий ҳунармандлик намуналари, сулола асарларидан иборат оилавий музей ташкил қилинган. Бу ерда йиғилган сополларда ўзбек кулолчилигининг узоқ ва яқин ўтмиши, ҳар бир даврнинг ўзига хос услубини кузатиш мумкин. Масалан, Х аср Афросиёб услубида сополдаги қизғиш ранг устидан оқ жигарранг нақшлар билан безаш машҳур бўлган. Кушон даври услубида эса сополлар фақат силликланган, сир берилмаган. Амир Темур даври услубида қизил сополни оқ ранг билан қоплаб, ҳаворангда нақш берилган. Ҳунарманд мазкур кулолчилик услубларини тиклаб, минглаб сопол буюмлар яратди.

– Бир неча аср аввалги суратларда халқнинг истаклари сингдирилганини кузатиш мумкин, – дейди ЎзА мухбирига ҳунарманд. – Масалан, Сурхондарё услубидаги сариқ сопол лаганда узун қанотли сариқ қуш тасвирланган. Боболаримизнинг айтишига кўра, ўтмишда сариқ ранг зиё таратувчи рангга қиёсланган. У кишилар қалбига илиқлик, нур бағишлашини сополда ифодалаган. Ундаги катта сариқ қуш образи обиҳаёт маъносини англатган.

Алишер Раҳимов кулолчилик услубларини ёш авлодга ўргатиш бўйича "устоз-шогирд" анъанасини йўлга қўйган. Бугунги кунда ўнлаб ёшлар ундан ҳунармандлик сирларини ўрганмоқда.

Даврон СУННАТОВ

Реклама ўрнида

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарор ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришда банк сармояларининг аҳамияти катта.

"ТРАСТБАНК" — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, ишлаб чиқаришдаги сифат ва ҳажм кўрсаткичи кескин ўзгарди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу маблағлар ҳисобидан замонавий технологиялар жалб қилиниб, бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлиб бораётир.

Бу борада "Трастбанк" ХАБ томонидан ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Мазкур банк томонидан ажратилаётган кредитлар нафақат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, балки соҳага эндигина кириб келаётган ёш тадбиркорларга кўплаб имкониятлар яратмоқда. "Feendo IDEAL" масъулияти чекланган жамияти ҳам ушбу банкнинг доимий мижозларидан биридир.

– Бугунги кунда "Дунё", "Пикник", "Феендо кунжутли", "Гольф кремали" каби печеньелар, қулупнай креми қўшилган шоколад, асал қўшиб пиширилган хилма-хил вафлилар, "Феендо" ва "Феендо кунжутли" крекерлар каби кенг турдаги қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз, – дейди "Feendo IDEAL" масъулияти чекланган жамияти технологи Дилором Саидорипова. – Ишчиларимизнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ва ёшлар ташкил этади. "Трастбанк" Тошкент шаҳар филиалидан олган кредитимиз эвазига янги печ ва замонавий технологиялар харид қилдик. Уч юздан зиёд йигит-қиз мунтазам иш ўрнига эга бўлди. Янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва фаолиятимизни кенгайтириш борасида олдимизда бир қатор режаларимиз бор. Уларни амалга оширишда, албатта, "Трастбанк" ХАБ билан ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

– Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқиб юрган кезларимда молия муассасалари томонидан ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятларга бағишланган семинарларда қатнашиб, менда ҳам бизнес фаолиятини бошлаш фикри пайдо бўлди, – дейди "PAPER CUP" масъулияти чекланган жамият директори Жалолжон Мажидов. – Аҳоли эҳтиёжини ўрганиб, туманимизда салқин ичимлик ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишда ишлатиладиган, бир марталик картон стаканлар ишлаб чиқаришни мақсад қилдик. Пухта бизнес режа тузиб, "Трастбанк"нинг Яккасарой филиалига мурожаат қилдик. Қисқа фурсатда лойиҳамизни амалга оширишга ва бошқа молиявий воситалардан тўлиқ фойдаланишга кенг имконият яратилди. Банкнинг имтиёзли кредити эвазига янгидан беш кишилик иш ўрни ташкил қилиб, маҳсулот тайёрлашни бошладик. Ажратилган маблағлар ишлаб чиқаришга мақсадли сарфланмоқда. Жамоамиз, ўтган йили "Трастбанк" томонидан ўтказилган танловда "Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес-лойиҳаси" номинацияси ғолиби деб эътироф этилди ва имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик. Бу каби имкониятлар фаолиятимизнинг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

– Мустақиллик йилларида матбаачиликнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар олиб борилди, – дейди "LIDER-FLEX PRINT" масъулияти чекланган жамияти директори Наримон Абдураҳмонов. – Юртимизда кўплаб ихчам, замонавий полиграфия корхоналари ташкил топди. Флексия босма усулида ишлаётган корхонамиз нусха кўчириш баробарида, босма усулда қоғозга нозик нақш солиш, муқова устига турли нафис безаклар бериш имкониятига эга. Фаолиятимизни йўлга қўйишимиз ҳамда янги технологиялар ва хом ашё харид қилишимизда "Трастбанк" амалиёт бошқармаси моддий қўллаб-қувватлади. Маҳсулотларимиз полиграфия бозорида муқим жой олди. Банк томонидан кўрсатилаётган ёрдам ишимиз ривожига катта ҳисса қўшди.

Бир сўз билан айтганда "Трастбанк" ХАБ аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятларни ишга солмоқда. "Трансбанк" ХАБ изланувчан ва интилувчан ёш тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлайди.

Банк матбуот хизмати

БИЛИМЛИ ЁШЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Фаррух Лутфуллаев Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ўқийди. У ўтган йили Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида ташкил этилган 49-халқаро Менделеев олимпиадасида кумуш медални қўлга киритиб, табиий фанлар йўналишидаги олий ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга кириш имкониятини қўлга киритганди.

– Кимё фани мўъжизаларга бой, – дейди Фаррух. – Мактабда биология ва кимё фанига алоҳида меҳр қўйиб ўрганганман. Лицейга ўқишга киганимдан сўнг бу ердаги муҳит, устозларнинг талабчанлиги ва тенгдошларимнинг билим олишга бўлган иштиёқи мени бу фанларни чуқур ўзлаштиришга ундади. Келгусида Тошкент тиббиёт академиясида ўқишни давом эттирмоқчиман.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, юксак интеллектуал салоҳиятли, бой дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши туфайли таълим сифати ва самарадорлиги ошди, мактаблар замонавий ўқув-услубий воситалар, ахборот технологиялари билан таъминланди. Билим даргоҳларининг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга доир кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда.

– Ўтган йиллар давомида 8 ўқувчимиз халқаро Менделеев, ўнга яқин ёшларимиз "Интер-Химик-Юниор" халқаро масофавий ҳамда республика фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей директори Анвар Шермуродов. – Ўқув жараёнида иқтидорли ўқувчиларнинг таълим олишига алоҳида ёндашамиз. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида фаолият олиб бораётганимиз ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Академик лицейда чет тилларини ўргатиш ҳам доимий эътиборда. Билим даргоҳи Тошкент тиббиёт академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, тиббиёт илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Россия Федерациясининг тиббиётга ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Таълим муассасасида тўрт мингдан зиёд ўқув-услубий адабиёт, электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларга эга ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда интернетдан фойдаланиш, ZiyoNET тармоғи орқали керакли маълумотларни олиш учун барча шароит мавжуд.

Лицейда ўқувчиларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ўқув жараёнининг узвий қисмини ташкил этади.

Азима ҚИЁСОВА

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Келажагимиз ворисларининг жисмонан бақувват, маънан етук, эпчил, чаққон, зукко бўлиб вояга етишлари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Чунки ёшлар баркамол шахс бўлиб вояга етсагина келажагимиз ишончли қўлларда бўлади. Фарзандларимизнинг таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, жисмоний тарбия ва спортга ошно тутиниши йўлида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан, хусусан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари томонидан аниқ мақсад йўлида амалга оширилаётган режали ишлар бунинг яққол исботидир.

Албатта бу хайрли ишларни амалга оширишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ва унинг туманлардаги вакиллари ҳам кенг қамровда фаолият олиб бормоқдалар.

Жамғармалар фаолиятидан

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИГА МАСЪУЛМИЗ

Ҳозирда ҳар бир таълим маскани, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ёшларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Аксарият БЎСМлар, таълим муассасалари замонавий спорт залларига, футбол майдонларига эга. Қувонарлиси, бу иншоотлар замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган. Дарвоқе, спорт жиҳозлари ва кийим-кечакларнинг ҳам ўзимизда, Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўтган йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 2-сонли БЎСМ, Чилонзор туманидаги Таэквандо федерацияси, Яккасарой туманидаги 89-умумтаълим мактаби, Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактабларининг спорт заллари қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази биносида қурилиш-тиклаш ишлари муваффақият билан амалга оширилди. Албатта бу қурилиш-тиклаш ишлари Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар филиали ҳамда туманлар ҳокимликлари, ҳомий ташкилотларнинг ҳамкорлигида амалга оширилди.

2015 йили шаҳримизда 796 та спорт мусобақалари ўтказилиб, уларга 192162 нафар ўқувчи жалб этилди. Ўтказилган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш учун 71,7 миллион сўмлик совғалар туҳфа этилди. Ундан ташқари машҳур спортчи ва ёшлар иштирокида 252 та маҳорат сабоқлари ҳамда учрашувлар уюштирилди. Бу тадбирларда 31308 нафар болалар иштирок этди. Албатта, бу маҳорат сабоқлари ва учрашувлар болажонлар ҳамда қизларнинг келажакда профессионал спортчи сифатида шаклланишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда пойтахтимиздаги мавжуд 2287 та спорт иншоотларининг 85 таси болалар спорти объектлари, 294 та мактаб, 120 та коллеж, академик лицейларнинг 40 та спорт заллари, 1494 та ихтисослашган очиқ турдаги спорт майдончалари, 225 та ички мавзе ва ҳудудларда қурилган очиқ спорт объектлари ҳозирда ўз бағрига кўплаб болажонларни чорлаётганини ҳисобга олганда мамлакатимизда жисмоний тарбияга, спортга берилаётган эътиборнинг юксак намунаси десак ҳеч ҳам янглишмаймиз. Дарвоқе, 85 та болалар спорти иншоотларида бир кунда 55272 нафар ёшлар спортнинг 40 дан ортиқ турлари билан шуғулланмоқдалар. Ушбу спорт иншоотларида 1911 нафар ўқитувчи ҳамда мураббийлар спорт сирларини ёшларга ўргатиб келишмоқда. Мураббийларнинг 1605 нафари олий маълумотли мутахассислардир.

Вояга етмаган болалар ва қизларни спортга ошно этиш муҳим масала. Ҳозирги кунда таълим масканлари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бериб, шаҳримизда 447663 нафар вояга етмаган болалар мунтазам спорт билан шуғулланмоқда. Шу ўринда 2005-2014 йилларда халқаро миқёсдаги мусобақаларда пойтахтимиздан 1413 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этганлигини фахр билан тилга олишни истардим. Ушбу турнирларда ўқувчиларимиз 296 та олтин, 189 та кумуш, 187 та бронза медалларига сазовор бўлишган эди. Ўтган йилнинг ўзида эса халқаро мусобақаларда 211 нафар ўқувчи-ёшлар қатнашиб, 62 та олтин, 33 та кумуш, 72 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши ҳам келажак авлоднинг баркамол, етук шахс бўлиб вояга етиши йўлидаги ислоҳотлар давом этишидан далолат беради. Жамғармамиз эса бу ислоҳотларнинг амалга ошишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Маъмур САИДКОСИМОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали директори

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОРАСТА ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Тошкент маданият коллежида "Соғлом она ва бола – юрт келажаги" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда қиз болаларнинг соғлом бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бўлғуси оналарнинг маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоялар таъсиридан ҳимоялаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим масканларида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўгараклари қизларни ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент маданият коллежида хореография, рассомлик, анъанавий ижрочилик, халқ чолғу ижрочилиги сингари ўн бир йўналишда уч юз олтмиш беш нафар ўқувчи таълим олмоқда. Таълим даргоҳи замонавий ўқув қуроллари, чолғу асбоблари билан таъминланган. Бундай имкониятлар самарасида коллеж ўқувчилари юртимиз ва хорижда ўтказилаётган танловларда мувафақиятли иштирок этиб келмоқда.

– Коллежимиз ўқувчиларининг аксариятини қизлар ташкил этади, – дейди коллежнинг хотин-қизлар қўмитаси бошлағич ташкилоти раиси Нилуфар Дўсматова. – Қизларга таълим бериш билан бирга уларни жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Коллежимиздаги "Ораста қизлар" тўгарагида турли маданий-маърифий тадбирлар, мутахассислар билан давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

"Соғлом она ва бола – юрт келажаги" танловида иштирокчи қизларнинг одоб-ахлоқи, чаққонлиги, зукколиги, саломатлик борасидаги билими синовдан ўтказилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Халқимизда "Интилганга толе ёр", деган нақл бор. Ушбу ҳикматли нақл бежиз айтилмаган.

Ёш чемпионлар

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Эндигина ўн бир баҳорни қарши олган лавҳамиз қаҳрамони Азиза Исамовани спорт турларидан бири — акробатика ўзига ром этди. Беш ёшда эдими ё сал кичикроқ пайтими, кунларнинг бирида телеэкранда намойиш этилаётган акробатика мусобақасини томоша қилди-ю, Азиза ҳам беихтиёр мустақил равишда акробатикага хос ҳаракатларни бажаришга интилди. Унинг бу ҳолати ота-онасини беэътибор қолдирмади ва Азиза 10-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабига (БЎСМ) қатнай бошлади.

— Спорт мактабимизга келганида Азиза жуда ҳам ёш қизалоқ эди, — дейди Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Акмал Очилов, — ундаги меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва акробатикага бўлган чексиз қизиқишни биз мураббийлар дарров пайқадик. Азиза билан олиб борилган машғулотлар қизиқарли кечарди. У ҳар бир топшириқни бекаму кўст бажаришга интиларди. Агар ҳаракатлари кўнгилдагидек чиқмаса ўзи мустақил равишда машғулот ўтказарди. Ҳозир ҳам шундай. Шогирдимнинг келажакда моҳир спортчи бўлишига ишонаман.

Дарҳақиқат, етти ёшидан расмий мусобақаларда қатнаша бошлаган Азиза ўз тенгқурлари орасида иқтидори баланд эканлигини намойиш этиб келмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Кубоги беллашувларида қаҳрамонимиз илк марта қатнашаётганлигига қарамай шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этди. Шундан кейин у хоҳ мамлакат чемпионати бўлсин, хоҳ Ўзбекистон Кубоги бўлсин фақат совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда.

— Акробатика инсондан ўзига хос чаққонликни, топқирлигу, ўткир зеҳнни талаб қилади, — дейди Азиза, — шу боис доим устозларим ўгитларига амал қиламан. Мақсадим келгусида халқаро мусобақаларда ҳам муваффақият қозониш ва юртимиз байроғини кўкларга кўтариш.

Ўтган йил Азиза учун омадли келди. У акробатика бўйича ўз тенгқурлари орасида уюштирилган мамлакат биринчилигида фахрли 1-ўринни эгаллади ва олтин медаль билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда Азиза Шайхонтоҳур туманидаги 262-умумтаълим мактабида таҳсил олмоқда. Эътиборлиси, спорт билан бирга барча фанларни яхши ўзлаштириб, аъло баҳоларга ўқимоқда.

Истардикки, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган, келажакда профессионал спортчи бўлишга аҳд қилган Азизага фақат омад ёр бўлсин, ёш чемпионлар сафи кўпайиб бораверсин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мусобақалар

АҚЛ-ИДРОК БАҲСИ

Пойтахтимиздаги 15-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида 5-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида шахмат, шашка мусобақалари бўлиб ўтди.

Соғлом она ва бола йилига бағишлаб Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида уюштирилган шахмат, шашка мусобақаларида 56 нафар ўғил-қизлар иштирок этишди. Мусобақа онлайн тизимида ташкил этилиб, унда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшовчи 8 нафар болалар ҳам ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Шиддатли курашларга бой ва қизиқарли кечган шахмат беллашувларида ўғил болалар ўртасида 1,2,3-ўринлар мезбонлар жамоаси вакиллари — Моҳир Нишонов, Муслим Абдураҳимов ва Асад Эгамбердиевга насиб этди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳамшаҳарларимиз Дилбар Ҳамроева, Ҳилола Абдукаримова ва Робия Тожиеваларга тенг келадиган рақиблар топилмади.

Шашка баҳсларида ўғил болалар орасида шоҳсупанинг энг юқори поғонаси Ҳусан Нуралиевга насиб этган бўлса, Иброҳим Йўлдошев ва Жаҳонгир Юсуповлар кучли учликка якун ясаб беришди.

Қизлар мусобақасида ҳам мезбонлар жамоаси вакиллари Робия Ниғматуллаева, Дилрабо Ҳабибуллаева, Рисолат Асомовалар бошқа рақибларидан маҳоратлирқ экаанликларини исботлаб, якунда фахрли 1,2,3-ўринларни эгаллашди.

Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорларга мутасадди ташкилотларнинг совринлари, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Болаларнинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларида спорт турларидан бўлмиш таэквондо WTF катта аҳамият касб этади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДА ЎРНИ КАТТА

Эътиборлиси, таэквондо билан шуғулланган боланинг энг аввало зеҳни ўткирлашади, тез фикрлашга ўрганади. Муҳими, таэквондо билан мунтазам шуғулланувчилар эпчил, чаққон, доно бўладилар. Ҳа, бу муболаға гаплар эмас.

Камина фаолият юритаётган Бектемир туманидаги 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг аксарияти юқоридаги хислатлар эгаси бўлгани ҳолда ҳозирда Ўзбекистон чемпионати ҳамда халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Дарвоқе, таэквондо энг аввало, оёқ ва қўл мушакларининг мустаҳкам ривожланишида, асаб тизими, юрак қон-томир касалликларининг бартараф этилишида муҳим роль ўйнайди. Демак, таэквондо билан шуғулланганлар юқоридаги касалликлардан фориғ бўлади.

Албатта, ушбу спорт тури ҳам бошқа йўналишлар қатори жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам таэквондо бўйича халқаро миқёсдаги энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш, уни амалиётда қўллаш биз мураббийларнинг вазифаси.

Биз бу борада бор куч ва ғайратимизни аямай меҳнат қиламиз ҳамда ўсмир-ёшларни соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса қўшишга интиламиз. Орзу-ҳавас билан фарзанд ўстираётган ота-оналарга эса болажонларингизни спорт билан, хусусан таэквондо билан шуғулланишларига имкон яратиб беринг, уларни спорт мактабимизга олиб келинг, деб қоламиз.

Фахриддин УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси,
Бектемир туманидаги 25-БЎСМ таэквондо WTF мураббийи

Спорт масканларида

ЎҚУВЧИЛАР МАҲОРАТИ ОРТМОҚДА

Спорт турларидан бири бўлган гандбол ёшлар орасида тобора оммалашиб боряпти.

Яккасарой туманидаги 5-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида (БЎСМ) келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларга гандбол спорти сирларини олий ва биринчи тоифадаги малакали мураббийлар ўргатиб келишмоқда. Спорт мактабида ўқувчиларнинг гандбол билан мунтазам шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий кўринишда бунёд этилган спорт инвентарлари ҳамда жиҳозлари билан таъминланган, спорт майдончалари ва заллари ёшлар ихтиёрида.

Гандбол болаларда ҳаётий муҳим кўникмаларни шакллантиришда асосий ўрин эгаллайди. Гандбол билан 9 ёшдан бемалол шуғулланиш мумкин. Мактабимиз ўқувчилари ҳар йили Тошкент шаҳар биринчилиги, Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида қатнашиб ўз маҳоратларини ошириб келмоқдалар. Бундан ташқари спорт мактабимиз жамоаси халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Мисол учун ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари, Жаҳон Кубоги, жаҳон чемпионатига саралаш турнирларида қатнашишлари спортчи-ёшларнинг маҳоратлари ошишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳаммадджан ТУРКМЕНЕВ,
5-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби директори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: 8.05.2015 йилдаги 17482/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Автомото-Ҳаваскор Ганга сервис" ШК автоуловларни сақлаш майдонида сақланаётган: 2013 йилда и/ч., дав/рақ: 01F381TA, "Матиз" русумли автотранспорт воситаси тақроран савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 30 636 368 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 февраль куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10:00 дан соат 16:00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 18 февраль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 16 февраль соат 16:00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг "Спорт-соғломлаштириш мажмуаси"да талабалар ўртасида факультетлараро "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шиори остида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилди.

БАРКАМОЛЛИК САРИ ҚАДАМ

Мусобақа Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Ҳаракатнинг Чилонзор туман Кенгаши, университетнинг "Жисмоний маданият ва спорт" кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Б.Зиёвиддинов, университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Х.Ҳасановлар сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан баркамол бўлиб етишишлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, бўш вақтларида спорт билан шуғулланган ёшлар маънан ва жисмонан соғлом бўлишларини таъкидлаб ўтишди.

Талаба-ёшлар спортнинг армрестлинг, турникка тортилиш ва қўлга таяниб машқ бажариш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Ҳар бир иштирокчининг маҳорати малакали мураббийлар томонидан назорат қилиниб, машқ бажариш жараёнида тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар бериб турилди.

"Шунқорлар" спорт мусобақасининг армрестлинг тури бўйича бош совринга "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" факультети талабаси Самариддин Рашидов муносиб кўрилди. Қўлга таяниб машқ бажариш бўйича 1-ўринни "Халқаро туризм" факультети талабаси Мирзоулуғбек Арзимуродов қўлга киритди. Турникка тортилиш бўйича ўтказилган мусобақада 1-ўрин "Иқтисодиёт" факультети талабаси Ойбек Норпўлатовга насиб этди.

Мусобақа ғолибларига медаль, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Азизбек МУРОДИЛЛАЕВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Аъло Абдуллаев олган сурат

Пойтахтимиздаги кўп тармоқли туман марказий поликлиникалари ва бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида анъанавий чуқурлаштирилган тиббий кўрик бошланди.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирга туман тиббиёт муассасаларининг тор мутахассислари, оила шифокорлари билан бир қаторда Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ОИТСга қарши кураш маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалининг малакали шифокорлари, Она-бола скрининг хизмати вакиллари ҳам жалб этилди.

– Чуқурлаштирилган тиббий кўрикка беш мингдан кўпроқ аҳолини, жумладан, туғруқ ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларни қамраб олишни режалаштирганмиз, – дейди Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиника бош шифокори Сайёра Каримова. – Бундай тадбирлар аҳоли орасида олиб борилаётган тиббий-профилактика ишларини янада яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, кўрсатилаётган тиббий ёрдамни кучайтиришга хизмат қилаётир.

Ҳафталик мобайнида тиббий кўрик билан бир қаторда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ўтказилади. Белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтиш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикка жалб этишнинг аҳамияти, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатлари, ОИВ, гиёҳвандлик ва бошқа иллатларнинг келажак насллар саломатлигига салбий таъсири хусусида мулоқотлар уюштирилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Аҳолининг газ асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши ҳамда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш" мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳрининг барча туманлари ИИБ ЁХБ, тумангаз филиаллари, Тез тиббий ёрдам станциялари, бош меъморлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари, ХУЖМШ уюшмалари раислари, дудбуронларни кўрикдан ўтказувчи корхоналар, "Ўздавнефтгазинспекцияси" Тошкент шаҳар бўлими ходимлари, "Саноатгеоконтехназорат" ДИ мутахассислари, "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси ва бозорлар раҳбарлари, халқ таълими бўлимлари бошлиқлари, коллежлар ва академик лицейлар директорлари иштирок этди.

Семинар дастурига асосан, дастлабки босқичда Тошкент шаҳар ҳудудидаги масъул хизматлар раҳбарларининг куз-қиш мавсумида аҳоли ўртасида табиий газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнғинлар, ҳаво ва газ аралашмасининг чақнаши ҳамда аҳолининг ис газидан заҳарланиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган маърузалари тингланди ва тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари томонидан турмушда газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар бўйича саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Иккинчи босқичда театр биносидан ташқарида малакали мутахассислар томонидан турмушда ишлатиладиган газ асбоблари ва иситиш печлари, улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари тўғрисида, хонадонларда ўрнатилган дудбуронлар, уларнинг турлари, текшириш, тозалаш усуллари ҳамда табиий ва ис газидан заҳарланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кўргазмали йўриқномалар ўтказилди.

Иштирокчиларга "Тошшаҳаргаз" филиали билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Турмушда газ жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари" ҳамда "Аҳоли орасида табиий ва ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш" ва дудбуронларни кўрикдан ўтказишга ихтисослашган "Бунёдкор таъмир сервис" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган "Хонадонлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланадиган газ асбобларига ўрнатилган дудбурон ва шамоллатиш каналларидан тўғри фойдаланиш ҳамда ёнғинга, ис газидан заҳарланишга қарши тадбирлари" номли эслатмалар тўплами тарқатилди.

Семинарнинг ҳар бир босқичида кўрсатилиб, тушунтириб ўтилган қоидалар видео тасвирга олинди. Мавсум давомида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишларининг янада самарали бўлиши ҳамда ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, таълим муассасаларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш учун тасвирга олинган кўргазмали материалларни кўпайтириб тарқатиш режалаштирилди.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

Мутахассис маслаҳати

ЎЗИДАН АСОРАТИ ЁМОН

Грипп вируси ҳаво орқали бемор аксирганида, қаттиқ йўталганида соғлом одам ҳалқумига тушиб, организмга кириб боради. Агар иммунитетингиз чиниққан бўлса, вирусга қарши антитаначалар хасталикнинг олдини олади. Бироқ бунинг акси бўлса, бирин-кетин шамоллаш белгилари кузатилади. Касалликнинг "умр"и ҳам организм хусусиятига боғлиқ.

Грипп кўзғатувчи вирусларнинг А ва В тури жадал ривожланиши билан ажралиб туради. Мазкур тур вируслари ҳалқум шиллиқ қаватини зарарлантиргач, бир неча соат давомида организмга тарқалиб бўлади. Натижада, кутилмаганда тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриғи, ҳолсизлик кузатилади.

Юқоридаги аломатлар кузатилганида мустақил даволаниш тавсия этилмайди. Шифокор назоратида керакли препаратлар билан муолажа қилиниши лозим. Тана ҳарорати 38-39 даражага кўтарилса, ҳудудий поликлиника шифокори ёки "Тез ёрдам" хизматига мурожаат қилинг.

Гриппни оёқда ўтказиш нохуш асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳатто оддий шамоллаш ҳолати бўлса ҳам, албатта, зарур чораларни кечиктирманг.

Бемор ётоқ режимида даволаниши лозим. Чунки грипп вируси юрак, буйрак ва иммун тизимини зўриқтиради. Бу пайтда ҳаракатланиш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш муаммони жиддийлаштириши мумкин.

Аксирганда ва йўталганда оғиз-бурунни дока ёки дастрўмол билан тўсинг. Йўқса, касаллик вирусининг ҳаво бўйлаб тарқалишига ҳисса қўшган бўласиз. Буюрилган дори препаратларини ўз вақтида қабул қилинг. Имкон қадар кўпроқ суюқлик ичинг. Наъматак, мева қоқидан шарбат айни муддао. Агар фарзандингиз грипп билан оғриган бўлса, мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва бошқа аҳоли гавжум жойларга юборманг.

Грипп юзага келганда организмда сурункали хасталиклар ҳам авж олади. Аҳамият берган бўлсангиз, кўпчилик шамоллаш билан бирга буйрак фаолиятида ўзгаришлар, цистит, оғиз бўшлиғи яллиғланишларидан ҳам шикоят қилади. Шу билан бирга, грипп асоратлари турлича бўлиши ҳам мумкин. Хусусан: ўпкага таъсири — пневмония, бронхитни авж олдиради. Юқори нафас йўллари касалликлари — отит, синусит, ринит, трахеит, юрак қон-томир тизими фаолиятида — миокард, перикард, нерв тизими шикастланганида — менингит, энцефалит, невралгия кузатилади.

Даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашиб, гриппга қарши эмлатишингиз мумкин. Мазкур амалиёт хусусий клиникаларда бажарилади.

Мавсумий касалликлар авж олганида кўпроқ С витаминига бой маҳсулотлар истеъмол қилинг. Таомномада пиёз ва саримсоқпиёз бўлиши ҳам муҳим. Жамоат транспортларида ҳаракатлансангиз, албатта қўлларингизни совунлаб ювинг.

Оила аъзоларингиздан бирида шамоллаш аломатлари кузатилаётган бўлса, инфекция тарқалмаслиги учун хона бурчакларига саримсоқпиёз бўлагини қўйиб чиқинг. Эрталаб исириқ тутатинг ва хоналарни тез-тез шамоллатинг.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

Тошкент давлат юридик университетида "Заковат" интеллектуал ўйинларининг университет миқёсидаги чемпионати бўлиб ўтди.

ЗАКОВАТЛИ, ЗУККО ЁШЛАР

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан Тошкент давлат юридик университети бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилди. Чемпионатнинг финал босқичида йўналишлардан сараланган 9 та жамоа иштирок этди ва ақл жангида ўзларини синовдан ўтказишди.

Чемпионатнинг финал босқичи 2 та турга бўлинган ҳолда олиб борилди. Ҳар бир турда 9 тадан савол ўйналди. Тур якунларига кўра "Зиё" жамоаси фахрли 1-ўринни, "Адолат" жамоаси 2-ўринни, "Легист" жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Тадбир сўнгида ғолиблар ҳамда фаол иштирок этган талабалар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Халқимизда "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, қаллобу фирибгарлар ўз жиноий ишларини қанчалик яширишга уринишмасин, бирор кун у албатта ошкор бўлмасдан қолмайди.

Саидамин Бурхонов ҳам дастлаб Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтган МЧЖнинг норасмий экспедитори вазифасида туппа-тузук ишлаб турган эди. Бироқ, кейинчалик ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида жамият раҳбари Шуҳрат Солиев билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, республикамизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чет давлатларга экспорт қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига зид равишда умумий нархи 47 млн. сўмлик помидор, лимон маҳсулотларини омборда сақлаб келиб, уларни жамиятга кирим қилмасдан ушбу маҳсулотлардан 3 тонна помидор ва 840 кг. лимонни Тошкент темир йўл вокзали орқали четга юбориш учун Р.Каттаев бошқарувидаги юк машинасида олиб кетаётган вақтда Департамент, ИИББ, солиқ ва божхона ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд тадбирида ушланган.

Бундан ташқари С.Бурхоновнинг дастлабки терговда аниқланмаган номаълум шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, ноқонуний равишда воситачилик билан шуғулланиш ва шу йўл билан назорат қилинмайдиган даромад олиш ҳамда бойлик орттириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи сотувчилардан сотиб олиб, экспорт қилувчи корхона вакилларига сотиб ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланиш натижасида 30 млн. сўм фойда олганлиги ҳам аниқланган.

Судда С.Бурхоновнинг айби жиноят ишида тўпланган материаллар, гувоҳлар, ашёвий далиллар ва бошқа ҳужжатлар билан ўз исботини топди ва ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, унга бир йил муддатга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда, ойлик иш ҳақидан 20 фоиз давлат даромади ҳисобига ўтказилган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Адҳам ИСМОИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта инспектори

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 февраль** ва **5 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ